

**Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда натижаларини эълон қилиш бўйича “Йўл харита”сини ижроси бўйича маълумот**

*(2022 йил 4 октябрь ҳолатига)*

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
<b>I. Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар</b>					
1.	Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	<p>1. Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш учун вақтинчалик биноларни ажратиш бўйича қўлланма ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Аҳолини рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатлари сақланиши ва йўқ қилиниши тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари бўйича ходимларни ўқитиш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига вақтинча жалб этиладиган ходимларнинг лавозим мажбуриятларини ишлаб чиқиш.</p> <p>5. 2023 йилда Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш.</p>	<p>2020 йил декабрь</p> <p>2021 йил январь</p> <p>2021 йил апрель</p> <p>2021 йил май</p> <p>2021 йил июль</p>	<p>Давлат статистика қўмитаси</p> <p>Давлат статистика қўмитаси, “Ўзархив” агентлиги</p> <p>Давлат статистика қўмитаси</p> <p>Давлат статистика қўмитаси</p> <p>Давлат статистика қўмитаси</p>	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг <b>2020 йил 21 декабрдаги 48-сонли қарори</b> билан “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш учун вақтинчалик биноларни ажратиш бўйича <b>Қўлланма</b>” тасдиқланди.</p> <p><b>Бажарилди.0</b></p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва “Ўзархив” агентлигининг <b>2021 йил 19 январдаги 1-ққ ва 11-сонли қўшма қарори</b> билан “Аҳолини рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларининг сақланиши (шу жумладан вақтинча сақланиши), йўқ қилиниши тартиби тўғрисида <b>Низом</b>” тасдиқланди.</p> <p><b>Бажарилди.</b></p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Раиси томонидан <b>2021 йил 23 апрель куни</b> “Синов тариқасида аҳолини</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>рўйхатга олиш ўтказилиши белгиланган ҳудудларда уй-жойлар рўйхатини тузувчи ходимлар учун “Аҳоли пунктларида уй-жойлар рўйхатини тузиш ишларини амалга ошириш” мавзусида ўқув амалий семинар <b>дастури</b>” тасдиқланди.</p> <p>Шунингдек, қўмита Раисининг <b>2021 йил 24 август куни 33-сонли қарори</b> билан синов ҳудудларида рўйхатга олишга вақтинча жалб қилинадиган ходимларни ўқитиш учун “Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун вақтинча жалб этиладиган ходимларни ўқитиш бўйича <b>тартиб</b>” тасдиқланди.</p> <p><b>Бажарилди.</b></p> <p>4. Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига вақтинча жалб этиладиган ходимларнинг <b>лавозим мажбуриятлари</b>, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Хўжаобод, Юқори Чирчиқ ва Яшнобод туманлари ҳамда Хива шаҳрида ташкил этилган Аҳолини рўйхатга олиш бўлимлари бошлиқлари ва ходимларининг лавозим йўриқномалари Давлат статистика қўмитасининг <b>2021 йил 10 мартдаги 21-сон буйруғи</b> билан;</li> <li>- уй-жойлар рўйхатини тузувчи ходимлар (регистраторлар) нинг</li> </ul>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>лавозим йўриқномаси намунаси Давлат статистика қўмитасининг <b>2021 йил 20 апрелдаги 35-сон буйруғи</b> билан тасдиқланди.</p> <p><b>Бажарилди.</b></p> <p>5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг <b>2021 йил 30 июлдаги 32-сонли қарори</b> билан “Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш тартиби тўғрисидаги <b>Низом</b>” тасдиқланди.</p>
2.	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Халқаро экспертлар тавсиялари ва хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш.</p> <p>2. Қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тегишли вазирликлар билан келишиш.</p> <p>3. Қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2022 йил январь-март</p> <p>2022 йил апрель-июль</p> <p>2022 йил август</p>	<p>Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар</p>	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш натижалари асосида “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, натижаларини таҳлил қилиш ва эълон қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасига</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>6-илова сифатида киритилди.</p> <p>Қарор лойиҳаси Қўмитанинг 2021 йил 30 декабрдаги 01/1-20-13/2-125-сон хати билан project.gov.uz портали орқали 25 та вазирлик ва идоралар билан келишилиб, <b>regulation.gov.uz</b> портали орқали жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.</p> <p>2022 йил 25 март куни Адлия вазирлигидан қарор лойиҳаси бўйича ижобий экспертиза хулосаси (3/3-0219-сон) олинди, 2022 йил 1 апрель куни Вазирлар Маҳкамасига киритилди (01/1-20-13/1-29-сон).</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг <b>2022 йил 4 августдаги 02-2061-сон</b> топшириғига асосан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасида назарда тутилган чора-тадбирлар Давлат бюджетидан катта харажат талаб этиши ва уларни амалга оширишга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш лозимлигини инобатга олиб, ушбу масаласини келгусида кўриб чиқиш топширилди.</p>
<b>II. Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш</b>					
3.	Аҳолини рўйхатга олиш иштирокчиларини	1. Туманлар бўйича 1:25000 ва 1:50000 масштабда схематик	2021 йил 1 мартга	Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон	<b>Бажарилмоқда.</b> Ўзбекистон Республикаси

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	картографик материаллар (схематик режа ва хариталар) билан таъминлаш.	<p>хариталар тузиш.</p> <p>2. Аҳоли пунктлари бўйича 1:2000 масштабда схематик режалар тузиш.</p> <p>3. Аҳолиси зич ҳудудларда ҳамда майдони 200000 гектардан кичик ҳудудларда 1:25000 масштабда схематик хариталар тузиш.</p> <p>4. 200000 гектардан ортиқ майдонга эга бўлган туманлар бўйича 1:50000 масштабда схематик хариталар тузиш.</p> <p>5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва вилоятларга бўйсунувчи шаҳарлар, туманлар марказлари учун 1:10000 масштабдаги схематик хариталар тузиш.</p>	<p>қадар (синов)</p> <p>2022 йил 1 июнга қадар (асосий)</p>	<p>Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, ҳудудий комиссиялар</p>	<p>Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг <b>2022 йил 18 апрелдаги 2-ққ-сон</b> ва <b>қ-қ/3-сон</b> Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бўладиган картографик материалларни ва кўчмас мулк объектлар тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил этиш тўғрисида <b>қўшма қарори</b> тасдиқланди.</p> <p>Мазкур қўшма қарорга мувофиқ ҳудудий статистика ва кадастр бошқармалари томонидан шартнома тузилиб, картографик материалларни тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.</p> <p>Режага мувофиқ 2022 йил 1 июнга қадар кадастр органлари томонидан республикамизнинг 9 мингдан ортиқ аҳоли пунктларининг схематик хариталари қоғоз шаклида чоп этилган ҳолда тақдим этилди.</p> <p>Жорий йилнинг <b>4-31 август</b> кунлари <b>6 148 нафар</b> регистраторлар томонидан республикамизда мавжуд барча турар жойлар ва аҳоли яшаши мумкин бўлган нотурар жойлар</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>тўлик хатловдан ўтказиб чиқилди ва маҳалла хариталари жойидаги ҳолатга мослиги ўрганиб чиқилди.</p> <p>Ўрганиш натижасида аниқланган камчиликлар кадастр органларига тақдим этилиб, улар томонидан маҳалла хариталарини янгилаш ишлари олиб борилмоқда.</p>
4.	<p>Аҳоли пунктларидаги яшовчилар сонини кўрсатган ҳолда хонадон ва уйлар рўйхатини шакллантириш.</p>	<p>1. Хонадон ва уйларни хатловдан ўтказиш ва рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Шакллантирилган маълумотларни таҳлил қилиш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар бўйича мониторинг ишларини олиб бориш.</p>	<p>2021 йил 1 мартга қадар (синов)</p> <p>2023 йил 1 мартга қадар (асосий)</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Кадастр агентлиги, Давлат статистика қўмитаси</p>	<p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p>Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш белгиланган ҳудудлар бўйича аҳоли сони кўрсатилган ҳолда хонадонларнинг янгиланган рўйхатини ҳудудий маҳалла органлари томонидан ҳудудий статистика органларига тақдим этишлари юзасидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 26 февралдаги 01/4-20-13/2-26-сон хати юборилди.</p> <p>2021 йилнинг май ойида Андижон вилоятининг Хўжабод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида жами <b>175</b> нафар уй-жойлар рўйхатини тузувчи ходимлар (регистраторлар) томонидан уйма-уй юрган ҳолда аҳоли сонига аниқлик киритган ҳолда хонадонлар рўйхати</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>янгидан шакллантирилди.</p> <p>2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш учун хонадонларнинг янгиланган рўйхатини ҳудудий маҳалла органлари томонидан ҳудудий статистика органларига тақдим этишлари юзасидан Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигига Давлат статистика кўмитасининг 2022 йил 27 апрелдаги 01/3-20-13/2-33-сон хати юборилди.</p> <p>Ҳудудлардан маҳаллалар бўйича аҳоли сони кўрсатилган хонадонларнинг янгиланган рўйхати йиғилди.</p> <p>Шунингдек, жорий йилнинг <b>4-31 август</b> кунлари <b>6 148 нафар</b> регистраторлар томонидан республикамизда мавжуд барча турар жойлар ва аҳоли яшаши мумкин бўлган нотурар жойлар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, уларда яшовчи аҳоли сонига аниқлик киритилди. Ҳозирда йиғилган бирламчи маълумотлар электрон дастурга киритилиб таҳлил қилинмоқда.</p>
5.	<p>Ҳудудларда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>1. Аҳолини рўйхатга олиш, инструкторлик ва ҳисоб участкаларига бўлиш.</p>	<p>2021 йил 1 июнга қадар (синов) 2023 йил 1 июнга</p>	<p>Ҳудудий комиссиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,</p>	<p><b>Бажарилмоқда.</b> 2021 йил май ойида <b>175</b> нафар регистраторлар томонидан ўтказилган хатлов натижаларига мувофиқ Андижон вилоятининг</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
		<p>2. Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига жалб этиладиган рўйхатга олувчи ходимларни танлаб олиш, таркибини тасдиқлаш ҳамда уларни ўқитиш.</p> <p>3. Алоқа воситалари билан жиҳозланган бинолар билан таъминлашни ташкил этиш.</p> <p>4. Туман (шаҳар) рўйхатга олиш бўлимларини, рўйхатга олиш ва инструкторлик участкаларини зарур ҳолларда транспорт воситалари билан таъминлаш.</p> <p>5. Аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари сифатли ўтказилишини ташкил этиш.</p> <p>6. Амалга оширилган ишлар бўйича мониторинг ишларини олиб бориш.</p>	<p>қадар (асосий)</p> <p>2021 йил 1 ноябрга қадар (синов)</p> <p>2023 йил 1 ноябрга қадар (асосий)</p> <p>2020-2024 йилларда</p> <p>2020-2024 йилларда</p> <p>2021-2023 йилларда</p> <p>доимий</p>	<p>вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Давлат статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари</p>	<p>Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида аҳолини рўйхатга олиш, инструкторлик ва ҳисоб участкаларига бўлиб чиқилди.</p> <p>Хўжаобод тумани ҳокимининг 2021 йил 26 августдаги 01/15-1146-сон, Юқори Чирчиқ тумани ҳокимининг 2021 йил 26 августдаги 321-сон, Хива шаҳри ҳокимининг 2021 йил 26 августдаги 5-599-сон ва Яшнобод тумани ҳокимининг 2021 йил 27 августдаги 03-13/166-сон хатлари билан синов ҳудудларининг ишлаб чиқилган ташкилий режалари Давлат статистика қўмитасига тақдим этилди.</p> <p>Синов ҳудудларида ишлаб чиқилган ташкилий режа асосида Рўйхатга олиш ва Инструкторлик участкалари учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан хоналар ажратилиши таъминланди.</p> <p>Шунингдек, ташкилий режага мувофиқ маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда рўйхатга олиш жараёнларига вақтинча жалб этиладиган ходимлар рўйхати шакллантирилди.</p>



Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					2023 йил учун ташкилий режалар белгиланган муддатларда тузиб чиқилади.
6.	Аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари ва бошқа ҳужжатларни нашр эттириш.	<p>1. Аҳолини рўйхатга олишнинг норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари ва бошқа ҳужжатларни чоп этишга тайёрлаш.</p> <p>3. Аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари ва бошқа ҳужжатларни чоп этиш.</p>	<p>2021 йил 1 сентябрга қадар (синов)</p> <p>2023 йил 1 июнга қадар (асосий)</p>	Давлат статистика қўмитаси	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>1. Вазирлар Маҳкамасининг <b>2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарори</b> билан 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари тасдиқланди:</p> <p><b>1-шакл.</b> “Турар жойининг хусусиятлари ва унда яшовчилар рўйхати”;</p> <p><b>2-шакл.</b> “Шахсга оид саволнома”;</p> <p><b>3-шакл.</b> “Ўзбекистон Республикасига вақтинча келган чет эл фуқаролари учун саволнома”;</p> <p><b>4-шакл.</b> “Аҳолининг айрим тоифаларига нисбатан шахсга доир маълумотларни йиғиш бўйича саволнома”;</p> <p><b>5-шакл.</b> “Вақтинча турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун назорат варақаси”.</p> <p><b>Бажарилди.</b></p> <p>2. Аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари ва бошқа ҳужжатлар чоп этиш учун тайёрланди ва тиражи ҳисоб-китоб қилинди.</p> <p><b>Бажарилди.</b></p> <p>3. Аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари ва бошқа ҳужжатлари ўрнатилган тартибда чоп этирилди</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					ва синов ҳудудларига етказиб берилди.
7.	Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун жалб этиладиган вақтинчалик рўйхатга олувчи ходимларни танлаб олиш, рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш.	<p>1. Вақтинчалик рўйхатга олувчи ходимларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Вақтинчалик рўйхатга олувчи ходимларни танлаш.</p> <p>3. Вақтинчалик рўйхатга олувчи ходимларнинг рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2021 йил 1 сентябрга қадар (синов)</p> <p>2023 йил 1 августга қадар (асосий)</p>	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, ҳудудий комиссиялар	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>1. Вазирлар Маҳкамасининг <b>2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарори</b> билан “Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланди.</p> <p>2. Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига вақтинча жалб этиладиган <b>1885</b> нафар ходимлар рўйхати шакллантирилиб, ҳудудий комиссиялар билан биргаликда белгиланган талаблар асосида танлаб олинди.</p> <p>3. Танлаб олинган ходимларнинг рўйхати ҳудудий комиссиялар томонидан тасдиқланди.</p>
8.	Аҳолини рўйхатга олишни ҳужжатлар ва моддий-техник буюмлар билан таъминлаш.	<p>1. Аҳолини рўйхатга олиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Аҳолини рўйхатга олишнинг варағи шакллари ва бошқа ҳужжатларни етказиб бериш.</p> <p>3. Аҳолини рўйхатга олишнинг махсус сумкаларини етказиб бериш.</p> <p>4. Туман (шаҳар) рўйхатга олиш бўлимлари, рўйхатга олиш ва инструкторлик участкаларига канцелярия моллари ва бошқа</p>	<p>2021 йил 1 октябрга қадар (синов)</p> <p>2023 йил 1 сентябрга қадар (асосий)</p>	Давлат статистика кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари	<p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p>Аҳолини рўйхатга олиш масалаларига оид норматив ва услубий ҳужжатлар тўплами тайёрланди.</p> <p>Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида зарур бўладиган канцелярия моллари ва бошқа жиҳозлар ўрнатилган тартибда харид қилинди. Шунингдек, махсус сумкалар, соябон, шарф ва кўлқоплар ҳам</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
		жиҳозларни етказиб бериш.			етарли миқдорда харид қилинди. Асосий аҳолини рўйхатга олишнинг махсус сумкалари, канцелярия моллари ва бошқа жиҳозларни харид қилиш ишлари белгиланган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.
9.	Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари бўйича статистика органлари ходимларини ўқитиш.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўқитишнинг режа-жадвалини ишлаб чиқиш.</li> <li>2. Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимларини ўқитиш.</li> <li>3. Худудий статистика бошқармалари ходимларини ўқитиш.</li> <li>4. Туман ва шаҳар статистика бўлимлари ходимларини ўқитиш.</li> </ol>	2020-2023 йилларда	Давлат статистика қўмитаси, БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда	<p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p><b>2020 йил май-август ойлари</b> давомида Давлат статистика қўмитасининг Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бошқармаси ходимлари видеоалоқа тизими орқали БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг экспертлари ва МДХ статистика қўмитасининг экспертлари томонидан ташкил этилган вебинарларда ўз билим ва малакаларини оширишди.</p> <p><b>2020 йил 8-9 сентябрь кунлари</b> худудий статистика бошқармаларининг Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлимлари ходимлари давлат статистика қўмитасида аҳолини рўйхатга олиш масалалари бўйича ўқитилди.</p> <p><b>2020 йил 10-12 декабрь кунлари</b> Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида худудий статистика бошқармаларининг аҳолини рўйхатга олиш</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>масалаларига масъул бўлган ходимлари халқаро ва маҳаллий эксперт ва мутахассислар томонидан назарий ва амалий жиҳатдан ўқитилди.</p> <p><b>2021 йил 28-30 апрель кунлари</b> синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказиладиган ҳудудларда уй-жойлар рўйхатини тузувчи ходимлар (регистраторлар) Давлат статистика қўмитаси ва ҳудудий статистика органлари ходимлари томонидан махсус дастур асосида ўқитилди ва танланма равишда маҳаллаларга чиққан ҳолда амалий кўникмалари оширилди.</p> <p>Статистика органлари ходимларига белгиланган тартибда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари бўйича видеоконференцалоқа тизими орқали онлайн ўқув семинарлар ташкил этилмоқда.</p> <p>Шунингдек, планшет қурилмалари ёрдамида аҳолини рўйхатга олиш бўйича Беларусь Республикасининг тажрибасини ўрганиш мақсадида БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг ҳомийлигида 2022 йилнинг февраль</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>ойида қўмитанинг олти нафар ҳамда Кадастр агентлигининг бир нафар мутахассислари Беларусь Республикасининг Миллий статистика қўмитасига хизмат сафарига юборилди.</p> <p><b>2022 йилнинг 25-29 июль кунлари</b> Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларининг Рўйхатга олиш бўлимлари ва республикамизнинг барча туман ва шаҳар рўйхатга олиш бўлимлари ходимлари учун “Турар жойлар рўйхатини тузиш ва картографик материалларга аниқлик киритиш” масалаларига бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди.</p>
10.	Аҳолини рўйхатга олишга жалб этиладиган вақтинчалик ходимларни ўқитишни ташкил этиш.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўқитишнинг режа-жадвалини ишлаб чиқиш.</li> <li>2. Туман шаҳар аҳолини рўйхатга олиш бўлими ходимларини ўқитиш.</li> <li>3. Аҳолини рўйхатга олиш участкаларининг ходимларини ўқитиш.</li> <li>4. Инструкторларни ўқитиш.</li> <li>5. Рўйхатга олувчиларни ўқитиш.</li> </ol>	2021-2023 йилларда	Давлат статистика қўмитаси, худудий комиссиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари	<p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p>Хўжаобод, Юқори Чирчиқ ва Яшнобод туманлари ҳамда Хива шаҳрида Аҳолини рўйхатга олиш бўлимлари ташкил этилди ва <b>2021 йил 1 апрелдан</b> бошлаб, ҳар бир худудлар <b>2</b> нафардан жами <b>8</b> нафар ходим иш бошлади.</p> <p>2021 йилнинг март-апрель ойлари давомидамазкур <b>8</b> нафар ходимлар синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш масалалари бўйича <b>ўқитилди ва амалий</b></p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p><b>кўникмалари оширилди.</b></p> <p>Низом талаблари асосида кўшимча равишда синов ҳудудларига <b>1</b> нафардан жами <b>4</b> нафар ходим иш бошлади.</p> <p>Аҳолини рўйхатга олиш ва инструкторлик участкалари ходимлари ҳамда рўйхатга олувчилар режа-жадвал асосида октябрь ойи давомида тўлик ўқитилди.</p> <p><b>4-8 октябрь кунлари</b> 100 нафар аҳолини рўйхатга олиш участкалари ходимлари ўқитилди.</p> <p><b>11-15 октябрь кунлари</b> 254 нафар инструкторлар ўқитилди.</p> <p><b>18-30 октябрь кунлари</b> 254 нафар стационар рўйхатга олувчи ва 1277 нафар рўйхатга олувчи ходимлар ўқитилди ва маҳаллаларга олиб чиқилган ҳолда амалиётдан ўтказилди.</p> <p>Асосий аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун вақтинча жалб этиладиган шахсларни ўқитиш ва амалий кўникмаларини ошириш ишлари белгиланган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.</p> <p><b>2022 йил 1 июлдан</b> республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида Рўйхатга олиш</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>бўлимлари ташкил этилди. Мазкур бўлимларга 2 нафардан ходим ишга жалб этилди.</p> <p><b>2022 йил 4-5 июль кунлари</b> туман ва шаҳарларда янги ташкил этилган Рўйхатга олиш бўлимлари ходимлари учун ўқув-семинар ташкил этилди.</p> <p><b>2022 йил 1-3 август кунлари</b> республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида <b>6 148</b> нафар уй-жойлар рўйхатини тузувчи ходимлар (регистраторлар) махсус дастур асосида ҳудудий статистика органлари мутахассислари томонидан ўқитилиб, танланма равишда маҳаллаларга олиб чиқилган ҳолда амалий кўникмалари оширилди.</p>
11.	<p>Аҳолини рўйхатга олишнинг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш.</p>	<p>1. ОАВ ҳамда давлат органларининг расмий веб-сайтларида туркум мақолалар, кўрсатув, эшиттиришлар бериб бориш.</p> <p>2. Видеороликлар тайёрлаш.</p> <p>3. Ижтимоий рекламалар тайёрлаш.</p> <p>4. Кўргазмали қуроллар тайёрлаш.</p> <p>5. Баннерлар тайёрлаш.</p> <p>6. Семинарлар ташкил этиш.</p> <p>7. Текин SMS-хабарнома юборишни ташкил этиш ва бошқа ахборот-тарғибот ишларини амалга ошириш.</p>	2020-2023 йилларда	<p>Давлат статистика кўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, ҳудудий комиссиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)</p>	<p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p><b>Хўжаобод, Юқори Чирчиқ ва Яшнобод туманларида ҳамда Хива шаҳрида</b> аҳолини синов тариқасида рўйхатга олиш тадбирлари тўғрисида кенгрок хабардор қилиш мақсадида аҳоли гавжум бўладиган жойларга <b>махсус баннерлар</b> жойлаштирилди.</p> <p>Аҳолини рўйхатга олиш масалалари бўйича <b>2022 йил январь-сентябрь ойларида</b> оммавий ахборот воситаларида:</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
				хокимликлари	<p>телевидениеда <b>148</b> та кўрсатувлар, радиода <b>123</b> та эшиттиришлар ва турли нашриётларда <b>774</b> та мақолалар чоп этилди.</p> <p>Шунингдек, турли расмий веб-сайтларда <b>2503</b> дан <b>ортиқ</b> мақолалар, тезислар, эълонлар ва янгиликлар жойлаштирилди.</p>
12.	“Аҳоли рўйхатга олиш” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.	<p>1. Идоралараро ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Халқаро тажрибани ўрганиш.</p> <p>3. “Аҳолини рўйхатга олиш” ахборот тизимини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. “Аҳолини рўйхатга олиш” ахборот тизимини жорий қилиш.</p>	2021 йил 1 октябр гача	<p>Давлат статистика қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Персоналлаштириш маркази, Давлат хизматлари агентлиги, Ички ишлар вазирлиги</p>	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>Давлат статистика қўмитаси томонидан “Аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини киритиш ва қайта ишлаш ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича <b>техник топшириқ</b>” лойиҳаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Техник топшириқ лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилиб, <b>экспертизадан ўтказилди.</b></p> <p>Техник топшириқ Давлат статистика қўмитаси томонидан <b>2020 йил 14 октябрь кuni тасдиқланди.</b></p> <p>Мазкур техник топшириққа мувофиқ аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини киритиш ва қайта ишлаш ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича танлов ўтказилиб, <b>“PixYZ Alliance” МЧЖ</b> танлов ғолиби деб топилди.</p>



Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>Давлат статистика қўмитасининг <b>2021 йил 26 февралдаги 17-сон буйруғи</b> билан “Аҳолини рўйхатга олиш” ахборот тизимини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш бўйича танлов ғолиби фаолиятини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар тузилиб, тизимни ишлаб чиқиш жараёнлари назорат қилиб борилди.</p> <p>2021 йилнинг <b>1-5 ноябрь</b> кунлари мазкур тизим орқали аҳолини синов тариқасида Интернет тармоғи орқали рўйхатга олиш ташкил этилди.</p> <p>Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида қоғоз шаклида йиғилган бирламчи маълумотларни <b>100</b> нафарга яқин операторлар томонидан ахборот тизими орқали электрон базага электрон базага тўлиқ киритилиб, таҳлил қилинди.</p> <p>Электрон маълумотлар базаси асосида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишнинг натижалари шакллантирилди. Аҳолини рўйхатга олиш натижалари хорижий давлатлар, жумладан, Беларус, Россия ва Қозоғистон Республикаси тажрибаларидан келиб чиқиб, <b>300</b> дан ортиқ чиқувчи жадваллардан иборат <b>6</b> та жилдли тўплам кўринишида шакллантирилди.</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					Шу билан бирга, синов жараёнларида Интернет тармоғи орқали ва планшет қурилмалари ёрдамида рўйхатга олишда юзага келган муаммоларни бартараф этиш мақсадида мазкур ахборот тизимининг Интернет тармоғи ва планшет қурилмалари учун мўлжалланган дастурий маҳсулотлари аҳоли учун янада қулай ва содда шаклда такомиллаштирилмоқда.
13.	Аҳолини рўйхатга олишни сифатли ўтказилишини таъминлаш.	<p>1. Картографик материаллар сифатли тайёрланишини назорат қилиш.</p> <p>2. Тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиши мониторинги.</p> <p>3. Вақтинча жалб этиладиган ходимларни танлаш, ўқитиш ва уларнинг иш юкламаларини белгилаш.</p> <p>4. Амалга оширилаётган ишларнинг доимий мониторингини олиб бориш.</p> <p>5. Рўйхатга олиш белгиланган муддатларда сифатли ўтказилишини таъминлаш.</p>	<p>Доимий</p> <p>Доимий</p> <p>Доимий</p> <p>Доимий</p> <p>2021 йил ноябрь (синов)</p> <p>2023 йил ноябрь (асосий)</p>	<p>Республика комиссияси, Давлат статистика кўмитаси, ҳудудий комиссиялар, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,</p>	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p><b>2021 йил май ойида</b> тўртта ҳудудда жами <b>175</b> нафар уй-жойлар рўйхатини тузувчи ходимлар (регистраторлар) томонидан уйма-маҳаллаларнинг хариталари жойига чиқиб, уй юрган ҳолда ҳақиқий ҳолатга мослиги ўрганилди ва аҳоли сонига аниқлик киритилган ҳолда хонадонлар рўйхати янгиланди.</p> <p><b>2021 йил 1-5 ноябрь</b> кунлари аҳолини синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш учун махсус ишлаб чиқилган ахборот тизими ёрдамида Интернет тармоғи орқали аҳоли рўйхатга олинди. Мазкур ахборот тизимида синов ўтказилиши белгиланган ҳудудлар аҳолиси учунгина эмас, балки, республикамизнинг барча</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
				вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари	<p>ҳудудларида яшовчи ва бошқа давлатларда вақтинча бўлиб турган фуқаролар учун ҳам тизимга кириб, рўйхатдан ўтиш имконияти яратилди.</p> <p><b>2021 йил 6-10 ноябрь</b> кунлари Интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтган шахсларни яшаш манзиллари бўйича рўйхати шакллантирилиб, икки марта рўйхатга олиб қўйилмаслигини таъминлаш мақсадида синов ўтказилиши белгиланган ҳудудларга етказиб берилди.</p> <p><b>2021 йил 11-22 ноябрь</b> кунлари рўйхатга олувчи ходимлар томонидан уйма-уй юрган ҳолда респондентлар билан сўров ўтказиш орқали қоғоз шаклида ва қисман планшет қурилмаларидан фойдаланган ҳолда сўровнома шакллари тўлдириш орқали рўйхатга олиш ишлари ташкил этилди.</p> <p><b>2021 йил 23-25 ноябрь</b> кунлари ҳар бир ҳисоб участкасида рўйхатдан ўтказилган хонадонларнинг камида 10 фоизини ихтиёрий танлаб олган ҳолда назорат кузатувлари ташкил этилди.</p> <p><b>2022 йил январь-март</b> ойлари давомида аҳолини синов</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>тариқасида рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини электрон базага киритиш ишлари якунланди.</p> <p>Мазкур ишлар учун Андижон, Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар статистика бошқармалари ҳузурида бирламчи маълумотларни электрон базага киритиш марказлари ташкил этилди. Марказларга жами <b>91</b> нафар (Андижон вилоятида <b>17</b> нафар, Тошкент вилоятида <b>21</b> нафар, Хоразм вилоятида <b>13</b> нафар ва Тошкент шаҳрида <b>40</b> нафар) қоғоз шаклидаги маълумотларни электрон базага киритувчи ходимлар (операторлар) жалб этилди. Операторлар томонидан синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида қоғоз шаклида тўлдирилган саволномалардаги бирламчи маълумотлар Аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини киритиш ва қайта ишлаш ахборот тизими орқали электрон базага киритилди.</p> <p>Электрон маълумотлар базаси асосида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишнинг натижалари шакллантирилди. Аҳолини рўйхатга олиш натижалари</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>хорижий давлатлар, жумладан, Беларус, Россия ва Қозоғистон Республикаси тажрибаларидан келиб чиқиб, <b>300</b> дан ортиқ чиқувчи жадваллардан иборат <b>6</b> та жилдли тўплам кўринишида шакллантирилди.</p> <p>Асосий аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари 2023 йил ноябрь ойида ўтказиш режалаштирилган.</p>
<b>II. Моддий-техник ва молиявий таъминот</b>					
14.	Аҳолини рўйхатга олишнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	<p>Синов ҳамда асосий аҳолини рўйхатга олиш харажатлари сметасини қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш:</p> <p>иш ҳақи харажатлари; асосий воситалар ва дастур учун харажатлар; ходимларни ўқитиш харажатлари; хизмат сафари харажатлари; транспорт ижараси харажатлари; норматив ва методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш харажатлари; ОАВда видеороликлар жойлаштириш харажатлари; кутилмаган ва бошқа харажатлар.</p>	2020-2025 йилларда	Давлат статистика қўмитаси, тегишли вазирликлар ва идоралар	<p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p>Манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳ томонидан 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари учун харажатлар сметасининг дастлабки ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилиб, Молия вазирлигига тақдим этилди.</p> <p>2021 йил учун харажатлар сметаси Вазирлар Маҳкамасининг <b>2021 йил 11 февралдаги 62-сон</b> қарори билан тасдиқланган.</p> <p>2022 йил учун харажатлар сметаси Вазирлар Маҳкамасининг <b>2022 йил 7 февралдаги 61-сон</b> қарори билан тасдиқланган.</p>
15.	Аҳолини рўйхатга олишни канцелярия буюмлари, моддий-техник воситалари ва бошқалар	Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талаблари асосида қуйидагиларни бажариш; канцелярия буюмларини сотиб	2020-2025 йилларда	Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, тегишли	<p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p>2020 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жами <b>28 млрд.сўм</b> қийматдаги <b>2089</b> та</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	билан таъминлаш.	олиш; моддий-техник воситалари ва бошқа зарур масулотларни сотиб олиш.		вазирликлар ва идоралар	компьютер, <b>284</b> та принтер, <b>18</b> та сервер, <b>19</b> та ведиоалоқа воситалари, <b>915</b> та стол, <b>924</b> та стул, <b>681</b> та шкаф ва бошқа жиҳозлар ўрнатилган тартибда харид қилинди.
<b>III. Аҳолини рўйхатга олиш якунлари</b>					
16.	Аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки маълумотларини тайёрлаш.	1. Саволнома шакллари сонидан келиб чиқиб ҳар бир ҳудуднинг аҳолиси рўйхатини шакллантириш. 2. Аҳоли сони тўғрисидаги жамланган маълумотларни таҳлил қилиш. 3. Аҳолининг сони тўғрисидаги дастлабки маълумотларни эълон қилиш.	2024 йил 1 мартга қадар	Давлат статистика қўмитаси	<b>Бажарилмоқда.</b> Аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилгандан сўнг аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки маълумотларини тайёрлаш <b>2024 йил 1 мартга қадар</b> амалга оширилади.
17.	Аҳолини рўйхатга олишнинг электрон маълумотлар базасини шакллантириш.	1. Бирламчи маълумотларни қайта ишлаш учун тайёрлаш. 2. Аҳолини рўйхатга олиш бирламчи маълумотларини киритиш. 3. Аҳолини рўйхатга олишнинг электрон маълумотлар базасини шакллантириш.	2025 йил 1 январга қадар	Давлат статистика қўмитаси	<b>Бажарилмоқда.</b> Аҳолини рўйхатга олишнинг электрон маълумотлар базасини шакллантириш <b>2025 йил 1 январга қадар</b> амалга оширилади.
18.	Аҳолини рўйхатга олишнинг республика ва ҳудудлар даражасида якуний натижаларини олиш.	1. Электрон маълумотлар базасини таҳлил қилиш. 2. Аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотлар базасини шакллантириш. 3. Республика ва ҳудудлар даражасида таҳлилий маълумотлар ва жадвалларни тайёрлаш.	2025 йил 1 декабрга қадар	Давлат статистика қўмитаси	<b>Бажарилмоқда.</b> Аҳолини рўйхатга олишнинг республика ва ҳудудлар даражасида якуний натижаларини олиш <b>2025 йил 1 декабрга қадар</b> амалга оширилади.
19.	Аҳолини рўйхатга олишнинг якуний	1. Якуний маълумотларни эълон қилиш.	2025 йил 1 декабрга	Давлат статистика қўмитаси,	<b>Бажарилмоқда.</b> Аҳолини рўйхатга олишнинг

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	<p>натижаларни эълон қилиш ва ҳужжатларни сақлаш.</p>	<p>2. Яқуний маълумотларни расмий нашр эттириш ва тарқатиш. 3. Аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки ва яқуний маълумотларини ва бошқа ҳужжатларини архивда сақлашга тайёрлаш ва топшириш.</p>	<p>қадар</p>	<p>Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания, “Ўзархив” агентлиги</p>	<p>яқуний натижалари <b>2025 йил 1 декабрга қадар</b> эълон қилинади ва ҳужжатлар белгиланган тартибда сақлаш учун “Ўзархив” агентлигига топширилади.</p>